

САИД АҲМАД АСАРЛАРИДА САБАБ ВА МИҚДОР ҲОЛИНИНГ СЕМАНТИК ЖИҲАТДА ҚЎЛЛАНИШИ

Бебитова О

Магистр

Нутқнинг айримликка, ўзига тугалликка эга бўлган парчаси гапдир. Синтаксис грамматиканинг бўлимларидан бири, сўзлар ва гапларнинг ўзаро алоқасини. Гапларни ташкил этган бўлақларнинг хусусиятларини ўрганади.

Гап бўлақларининг синтактик тузилишини ташкил қилишдаги ўрни бир хил эмас. Айрим бўлақлар гап тузилишида марказий ўринни эгаллайди. Аммо гап бўлақлари айримлари гап тузилишида етакчи эмас.

Гап тузилишида қатнашган бўлақларнинг ўзаро семантик ва грамматик боғланиши гап тузилишида қатнашган бўлақларнинг гапдаги вазифасидир. Маълумки, гапдаги бўлақлар вазифасига кўра, тилшуносликда, бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратилади.

Ҳол бошқарув ва битишув йўли билан ҳоким бўлақка эргашади. Ҳолнинг бошқарилиши. Келишикли, кўмакчили ва аралаш воситалар билан амалга оширилади.

Нутқ кўринишлари жиҳатдан бадий асар тили алоҳида баҳоланиши керак. Воқеликнинг инъикоси бўлган адабий асарда киши фаолиятининг барча томонлари тасвирланади. Шу сабабли, бадий асарда нутқ кўринишларининг ҳаммаси ўз аксини топади. Адабий нутқ ҳам, сўзлашув нутқ ҳам.

Ҳол семантик-синтактик қурилиш жиҳатдан бошқа гап бўлақларидан фарқланади. Сабаб ҳоли ва миқдор ҳоли семантик жиҳатдан бир қанча қўлланишларга эга:

1. Ҳаракатни бажарувчи шахснинг бирор иши шу ҳаракатни юзага келиш-келмаслигига сабаб бўлади:

Азиз полвон келадиган бўлса, мен қайтиб кетаман, деб ҳозир оби дийда қилиб турган эдингку (С.Аҳмад. Уфқ. 185-б).

2. Ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслигига бошқа бировнинг ҳаракати сабаб бўлади: -Кетолмайман, ака. Энди менга Зириллама ҳаром (С.Аҳмад. Уфқ. 152-б). – Мен ичмайман, акалар. Умримда ичкиликни оғизга олган бола эмасман (С.Аҳмад. Уфқ. 157-б).

3. Предмет ҳаракатининг юзага келиши учун шу предмет бирор хусусиятнинг сабаб бўлишини кўрсатади: Агар офтобда ярим соат турсанг ичагинга тўла лой қуриб қотиб қолади. Эгилломай юрмагин (С.Аҳмад. Уфқ. 173-б).

4. Бир предмет ҳаракатининг юзага келиши учун бошқа предмет ҳаракатининг сабаб бўлишини кўрсатади: -Қатиқлаб ювмайман, аяжон, эртага яна тупроқ қазиймиз, чанг ёпишиб тўнғиб қолади (С.Аҳмад. 150-б).

5. Синов ва ўлчов белгиловчи сўз ҳоли бўлиб келиб, у миқдор англатиш жиҳатдан реал ва нисбий миқдорни англатади: Мен бир усулни таклиф қилмоқчиман (С.Аҳмад. Уфқ. 155-б). –Қўявер эшнинг ўзи шунақа. Бир кун совиб қолади (С.Аҳмад. Уфқ. 157-б). – аянгнинг касалхонага кетганига беш кун бўпти, нега менга хабар қилмадинг, эси йўқ? (С.Аҳмад. Уфқ. 175-б).

6. Ҳаракат ва ҳолатнинг миқдор белгисини даражалаб кўрсатади ва аниқлайди: Тупроқ қазиб дўнгга ташидим. Йигирма тўрт кубо тупроқ ўнирдим. (С.Аҳмад. Уфқ. 171-б). Яна икки ходқа қилай, шундан кейин бас (С.Аҳмад. Уфқ. 172-б).

Ҳаракат ва ҳолатнинг оғирлиги, нарх-наво, узоқ-яқинлик, узун қисқалик оид миқдор белгиларини кучайтириб кўрсатади: Сиз ўтиринг, узоқдан чарчаб келгансиз (С.Аҳмад. Уфқ. 178-б). Тўйимиз бўлганига бир ойми, икки ойми ўтганмиш (С.Аҳмад. Уф.қ 181-б). Сал кунда иш тугайди. Отингни қамчилаб қол. (С.Аҳмад. уфқ. 183-б).

Хуллас, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари шу жумладан ҳол ва унинг турлари нутқнинг таъсирчанлиги оширади. Гапнинг иккинчи даражали бўлаklarини ажратишда уларнинг объектив ҳолли тушунчаларини ифодалаши асос қилиб олинади.